O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: info@xs.uz ● 2006 йил 19 апрель, № 74 (3873) Чоршанба

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 18 апрель куни Оқсаройда Буюк Британия консерватив партияси вакили лорд Роберт Солсберини қабул қилди.

Ислом Каримов меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, бу мамлакатимиздаги ўзгаришлар билан бевосита танишиш учун яхши имконият эканлигини таъкидлади.

Буюк Британиянинг турли раҳбарлик лавозимларида ишлаган таниқли сиёсатчи Р.Солсбери 10 апрелдан буён мамлакатимизда меҳмон бўлиб турибди. У юртимизда сиёсий, ижтимоий-иқтисодий соҳаларда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, улкан бунёдкорлик ишлари, бой маданий тарихимиз билан яқиндан танишди. Жумладан, лорд Солсбери Андижон, Навоий ва Бухоро вилоятларидаги йирик саноат мажмуалари, қўшма корхоналар ва янги ташкил қилинган замонавий ишлаб чиқариш иншоотларини бориб кўрди. Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва Хива шаҳарларидаги осори-атиқа, маданий ёдгорликлар ва музейларни томоша қилди.

Британиялик сиёсатчи Олий Мажлиснинг Сенати ва Қонунчилик палатасида, қатор вазирликлар ва олий таълим муассасаларида бўлди.

Оқсаройда Президент Ислом Каримов ва лорд Роберт Солсбери ўртасида бўлиб ўтган мулоқот чоғида томонларни қизиқтирган масалалар юзасидан ўзаро фикр алмашилди.

(ЎзА).

СУРАТЛАРДА: қабул пайти. Абдувоҳид ТЎРАЕВ олган суратлар.

САМАРАЛИ МУЛОҚОТЛАР



Парламент ҳаёти

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида мамлакатимиз ҳудудларидан пойтахтга малака оширишга келган мутахассислар билан учрашувлар ўтказиш анъанага айланди.

Муаллимлар Олий Мажлисда

Ана шундай учрашувлардан бири А. Авлоний номидаги Халқ таълими раҳбар ходимлари малакасини ошириш марказий институти тингловчилари билан бўлиб ўтди. Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси ҳамда Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси ҳамкорлигида ўтказилган давра суҳбатида вилоятлардан келган мактаб директорлари қатнашдилар.

Қўмита аъзолари педагогларни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси тузилмаси, депутатларнинг мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги ўрни ва уларнинг қонунчилик ҳамда назорат-таҳлил фаолияти, қонун лойиҳаларини тайёрлаш, уларни палата муҳокамасига киритиш, қабул қилинган янги қонунлар ва ишланаётган қонун лойиҳалари билан таништирдилар.

Мактаб директорлари Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатларига яратилган шарт-шароит, парламент мажлислар залини қизиқиб томоша қилдилар.

Ўз мухбиримиз.

Мамлакатимизга ташриф буюрган Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши кураш бўйича Евроосиё гуруҳи раиси Виктор Зубков раҳбарлигидаги делегация 18 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери Эркин Халилов билан учрашди.

Мулоқот чоғида парламентимизнинг қуйи палатаси билан Евроосиё гуруҳи ўртасидаги ҳамкорликка оид масалалар муҳокама этилди. Хусусан, жиноий йўллар билан орттирилган маблағларни легаллаштириш ва терроризмни молиявий таъминлашга қарши кураш бўйича биргаликда зарур қонун ҳужжатларини ишлаб чиқиш юзасидан фикр алмашилди. Томонлар терроризмнинг глобал муаммо эканини ва уни бартараф этишда ҳамжиҳатликдаги саъй-ҳаракатлар лозимлигини қайд этдилар.

Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши кураш бўйича Евроосиё гуруҳи Россия Федерациясининг Федерал молиявий мониторинг хизмати ташаббуси билан 2004 йил октябрда ташкил этилган. Ўтган йили декабрь ойида Ўзбекистон бу ташкилотга доимий аъзо бўлиб кирган.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Р. Қодиров билан музокарада меҳмонлар мамлакатимиз прокуратура органлари тизими, фаолияти ва соҳани ислоҳ қилиш юзасидан амалга оширилаётган чора-тадбирлар билан танишдилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ташаббуси билан 2001 йилда Бош прокуратура ҳузурида Солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш департаменти ташкил этилган эди. Мазкур тузилма бугунги кунда юртимизда иқтисодий қонунбузарликларга барҳам беришда самарали фаолият кўрсатаётир.

Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашишнинг миллий тизими ҳамда молия разведкасини шакллантириш масалалари Ўзбекистон сиёсатида муҳим ўрин тутади. Учрашувда жорий йил январда юртимизда "Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг кучга кириши бу борадаги улкан қадам бўлгани алоҳида таъкидланди.

Евроосиё гуруҳи вакиллари шу куни Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви раиси Ф. Муллажонов билан ҳам учрашди. Суҳбатда жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришнинг банк тизими орқали олдини олишга қаратилган чора-тадбирларни биргаликда ишлаб чиқиб, амалиётга татбиқ қилиш масалалари, шунингдек, ушбу соҳа бўйича банклар фаолиятига оид меъёрий ҳужжатларни Евроосиё гуруҳи ва бошқа халқаро ташкилотларнинг тавсиялари асосида такомиллаштириш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

Делегация аъзолари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида ҳам музокара ўтказдилар.

(ЎзА).

КОРХОНА+ХОНАДОН=ФАРОВОНЛИК



Қўқон шаҳрида касаначилик бўйича белгиланган дастур ҳукумат томонидан маъқулланди

Фармон ва ижро

Ҳеч муболағасиз Хўқанди Латифни Моваройннаҳр касаначилиги бешигини тебратган, тамал тошини қўйган ҳунармандлар, тадбиркорлар юрти дейиш мумкин. Зеро, кўҳна шаҳарнинг бирон-бир гузари, маҳалласи, хонадони йўқки, касаначиликнинг у ёки бу тури билан шуғулланмаган бўлсин. Беҳудага шаҳарда Президентимизнинг "Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони айнан қўқонликларнинг дилидаги орзу-умидлари, азалий ниятларининг ифодаси бўлди, дея баҳоланмади.

Кўҳна шаҳарда шундай ривоятнамо гап юради. Кўплаб оилаларда ҳунармандлар касбларининг энг нозиқ сирларини махсус битикларга ёзиб, тўртинчи, бешинчи авлодларга мерос қилиб қолдириб кетишган экан.

Худди шу фикрни Ўзбекистон Бадиий академияси ижодкорлар уюшмаси аъзоси, пичоқчи устазода Ҳасанжон Умаров ҳам такрорлайди. Ҳасанжон пичоқчи бу оилада еттинчи ёки саккизинчи авлод ҳунармандларидан ҳисобланади. У отаси Омонжон пичоқчидан миллий пичоқларни ясаш сир-асрорларини ўрганди. Кейинчалик эса Қўқон халқ амалий ва бадиий ишлаб чиқариш "Усто" корхонасида касб сир-асрорларини дастлаб фарзандларига, қўни-қўшниларига, маҳалла-қўйдаги ёшларга ўргатди. Отаси машҳур пичоқсоз уста бўлганлиги учун ҳам уни бот-бот мамлакатимиз ҳамда хорижий юртлардаги кўргазмаларга таклиф этишарди. Ҳасанжон ҳам укаси Козимжонни ёнига олиб, дунё кезиб, кўплаб ярмаркаларда Қўқон пичоқчилик санъатининг довруғини ёйди.

— Халқимизда "Якка отнинг чанги чиқмас, чанги чиқса ҳам, донги чиқмас" деган мақол бор, — дейди Ҳасанжон. — Шунинг учун ҳам Юртбошимизнинг касаначиликни ривожлантириш ҳақидаги фармонларини зўр қониқиш билан кутиб олдик. Ҳақиқатан ҳам, ҳунармандчиликнинг ўзига хос қийинчиликлари, муаммолари бор. Лекин, энг асосийси, биз кўп жиҳатдан давлат корхоналарида ишлайдиганлардек ҳимояланмаган эдик. Энди бу ҳужжатга асосан бирон-бир йирик саноат корхонаси билан шартнома асосида иш ташкил қилсак, меҳнат стажимиз ҳам куймайди, пенсия ва ижтимоий суғурта бўйича нафақаларимиз ҳам тайин бўлади.

Айни кунда Қўқон шаҳридаги элликка яқин йирик саноат корхоналари бевосита уй шароитида, косибчилик, тадбиркорлик, ҳунармандчилик, пойабзалчилик, чеварлик, гилам тўқиш, кийим тикиш, уларни таъмирлаш, ҳатто электротехника воситаларини йиғиш, ҳисоб фактураларини тайёрлаш, конвертларни манзиллаштириш, рекламалар тайёрлаш, чорвачилик, паррандачилик билан шуғулланиш, матнлар ва маълумотларни ҳозирлаш, таҳрир ва таржима қилиш борасида ишлаш бўйича таклифларни беришаяпти. Шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш комиссияси эса бу таклифларни умумлаштириб, саноат корхоналарининг имкониятларини ҳам ўрганиб чиқаяпти.

Бу борада ташаббус кўрсатган "Улуғбек" акциядорлик жамиятида дастлабки самарага ҳам эришилди. Мазкур фармон эълон қилингач, асосан пайпоқ ишлаб чиқаришга ихтисослашган жамиятга учта касаначи ташриф буюрди. Улар билан шартнома имзоланиб, уй шароитида ишлайдиган 56 дона пайпоқ тўқиш дастгоҳи ажратиб берилди. Мана, касаначилар биринчи ойдаёқ шартномани аъло даражада бажаришди. Февраль ойида корхона хазинасига уйда тайёрланган маҳсулотдан 560 минг сўм фойда келиб тушди. Энди акционерлик жамияти Қўқон шаҳридаги маҳаллаларда бўлиб, пайпоқ тўқиш касби ҳадисини олган ҳунармандларни изслаб топишаяпти. Яқин вақт ичида хонадонда ишловчилар сони юздан ортиши кутилаяпти.

(Давоми 2-бетда).

Айни кунларда мамлакатимизнинг барча ҳудудларида жорий йилнинг май-июнь ойларида бўлиб ўтадиган фуқаролар йиғинлари сайловига пухта ҳозирлик кўрилмоқда.

Оқсоқоллар сайлови:

МУНОСИБЛАР ЕТАКЧИ БЎЛАДИ

— Халқимиз ўзи билан ёнма-ён яшаб, бирга нафас олаётганлар орасидан обрў-эътиборли, қадр-қиммати баланд, барчага бирдай гапи ўтадиган, ғайратли кишиларни ўзлари танлаб, раҳбарликка муносиб кўраётгани аслида демократиянинг бир кўриниши, — мулоҳаза юритади Асака тумани ҳокимлиги ташкилий назорат гуруҳи раҳбари, сайловни ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи комиссия аъзоси Шуҳратбек Эргашев. — Бизда 8 та қишлоқ, 55 та маҳалла фуқаролар йиғини бор. Ҳар бир маҳалланинг ўзи бир олам. Ватан ичидаги Ватан улар. Оқсоқолларимиз ўз маҳалласининг тинчлиги, осойишталигини сақлаш, қўни-қўшниларнинг аҳил, ҳамжиҳат бўлиб яшашларини таъминлашда анча тажриба орттирган.

Бугуннинг гапи

Биз Кужган қишлоғининг Қайрағоч деб номланган маҳалла фуқаролар йиғинида бўлганимизда сайловдан сайловгача ўтган вақт мобайнида қилинган ишларни, галдаги сиёсий жараёнга тайёргарликни кўриб кўнглимиз яйради. Мана, уч йилдирки, йиғинга Муҳаммаджон Тўйчиев раислик қилаётир. Маҳалланинг 4793 нафар аҳолиси бир оила фарзандларидай, аҳил, иноқ яшаб келмоқда. Ўз етакчиларининг ҳар бир тадбиру ташаббусини астойдил қўллаб ёнига кирмоқда. Самара дейсизми? Қишлоқ йўллари кенг ва равон. Унинг икки томони турфа гулларга бурканган чаманзордан асло қолишмайди. Ҳар бир хонадоннинг дарвозасидан тортиб ҳовлиларгача келин туширилган уйдай саранжомсариштa. Тўй ва бошқа маросимлар ортиқча дабдабасиз шинам ва файзли ўтмоқда. Ажралишлар сони кескин камайди. Оқсоқол ҳокимлик билан бамаслаҳат ҳунармандчиликни ривожлантириш, чорвачилик билан боғдорчиликни жонлантириш ҳаракатида. Кичик ва ўрта бизнесга эътибор қаратилаётгани, касаначилик қарор топаётгани, айниқса, уйда ўтирган аёллар учун орзулар рўёби бўлди. Биргина ўтган йилнинг ўзида маҳаллада 173 та янги ишчи ўрни вужудга келди. 93 нафар аёл иш билан таъминланди.

— Бу йил яна 180 та иш ўрни яратмоқчимиз, — дейди оқсоқол. — Янги сайланадиган йиғин раисидан умидимиз катта. — Нега деганда бармоқ билан саналарли бўлса-да уйларига тоза ичимлик суви кириб бормаган маҳалладошларим бор. Табиий газ билан таъминланиш даражамиз 84 фоиз атрофида турибди.

Ширкат хўжалиги тугатилиши муносабати билан бўшаб қолган икки қаватли маъмурий бино маҳалла фуқаролар йиғини ихтиёрига берилди. Қайрағочликлар ўзларининг муҳташам, хоналари кенг ва ёруғ биноларига эга бўлдилар. Таъмирдан чиқарилган бинога кирсангиз чиққингиз келмай қолади. Хоналардан бирида чевар Рохатой Йўлдошева бичув-тикув цехи ташкил этиб, 15 нафар қизни ёнига олибди. Яна бир хонадаги кутубхонадан маҳалла ёшларининг қадами аримайди. Оқсоқоллар, уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ва ўтказиш учун тузилган ишчи гуруҳига ҳам махсус хона ажратилибди. Хона ранг-баранг адабиётлар, алоқа воситалари билан жиҳозланган.

— Ишчи гуруҳи таркибига Лутфулла Солиев, Холисхон ая Қосимова сингари ҳаётнинг пасту баландини яхши биладиган, ҳуш лутфли, эл-юрт назаридаги кишиларни киритдик, — дейди Шуҳратбек. — Улар маҳалладошларининг уйларида бўлиб, сайловчиларга ислоҳотларнинг мазмун-моҳиятини тушунтирмоқдалар. Тинчлик, осойишталикнинг улуғ неъмат экани хусусида суҳбатлар ўтказмоқдалар.

Жойларда номзодларни рўйхатга олиш бошланди. Бир ўринга, масалан, Қайрағоч маҳалласида учта номзод тўғри келаётган бўлса, Қоратепа маҳалласида бу кўрсаткич тўрттаданга тўғри келаётир. Сиёсий, маънавий, маърифий билим савиялари етарли бўлган, маҳаллани оқилона бошқара билиш салоҳиятини ўзида мужассам этган, «Маҳалланг тинч — сен тинч, юрт тинч», деган ҳикматни қалбига муҳрлаб, бошқаларни ҳам шунга даъват эта оладиганларни эса қишлоқ ва маҳалла аҳлининг ўзи танлайди.

Одилжон ШОДМОНАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

"Халқ сўзи" назоратида

Дастур амалга оширилмоқда

«Мевазорлар кўпайса эди» («Халқ сўзи» 2006 йил 7 февраль) сарлавҳали мақолада табиатнинг ноёб туҳфаларига эҳтиёткорона муносабатда бўлиш, мевазорларни кўпайтириш соғлом турмуш тарзини мустаҳкамлашнинг асоси экани хусусида фикр юритилган эди. Мазкур мақола юзасидан Сурхондарё вилояти ҳокимининг биринчи ўринбосари Т.МАМАРАИМОВ имзоси билан таҳририятимизга келган расмий жавобда таъкидланишича,

«вилоятда ўрмончилик, боғдорчилик, меваcабзавот ва узумчилик соҳаларини ривожлантириш мақсадида 2004-2010 йилларга мўлжалланган дастур ишлаб чиқилган. Мазкур дастурнинг ижросини таъминлаш мақсадида вилоят ҳокимининг қарори қабул қилинган. Унга асосан вилоятда жами 7220 минг дона кўчат экиш режалаштирилиб, амалда 9997,1 минг дона кўчат экилган. Шунингдек, пиллачиликнинг озуқа базасини мустаҳкамлаш мақсадида вилоятда 650 гектар янги тутзорлар ташкил этилиб, икки миллион донадан зиёд тут кўчатлари экилган.

Вилоят ҳокимлиги томонидан вилоятда ўрмончилик, боғдорчилик, узумчилик ва тутчиликни ривожлантиришга катта эътибор берилиб, келажакда ишлаб чиқариладиган мева ва узум маҳсулотлари билан нафақат вилоят эҳтиёжларини қондириш, балки экспортга чиқариш чоралари амалга оширилмоқда».

ЧА+ХОНАДОН=ФАРОВОНЛИК

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ана энди ўзингиз ҳисоблаб кўринг. Учта касаначи корхонага ярим миллион сўмдан зиёд фойда келтирибди. Улар сафи ўн баравар, юз бараварга кўпайсачи? Балки пайпоқ тўқувчи касаначилар бир пайтлар мамлакатимиз енгил саноатининг пешқадам корхоналаридан бўлган "Улуғбек" акционерлик жамиятининг шуҳратини қайта тиклашга тамал тошини қўйишса, ажаб эмас.

Рустамжон Мухторов асли Тошкент политехника институтини тугатган. Олий маълумотли муҳандис. Қатор корхоналарда меҳнат қилди. Лекин чинакам касбини уй шароитида мебель маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйганидан сўнг топди. Ҳозир у 4 нафар шогирдини ёнига олиб, машҳур итальян ва румин мебелларидан қолишмайдиган стол-стуллар, диван-кроватлар, сервантлар тайёрлаяпти. Кўқонлик кўплаб келин-куёвларнинг хобхоналари шу устазода тайёрлаган мебеллар билан жиҳозланган. Айни пайтда уста 20 турдаги мебель маҳсулотларини тайёрлаяпти.

— Биз, мебелчи усталар учун хомашё масаласи асосий муаммо ҳисобланади, — дейди у . — Чунки оддийгина стул тайёрлашга 20 хилга яқин детал ишлатилади. Уларнинг кўпчилигини хориждан олиб келардик. Энди мен Президентимиз Фармонига асосан "Кўқонмебель" ҳиссадорлик жамияти билан шартнома тузсам, хомашё билан таъминлаш муаммоларини деярли ҳал қилган бўламан. Чунки ана шу ҳужжатнинг 4-бандида хомашё, материаллар етказиб беришдан ташқари касаначиларга корхоналар буюртмаси бўйича маҳсулот ишлаб чиқаришни ва хизматлар кўрсатишни ташкил этиш учун асбоб-ускуна, жиҳозлар ва инвентарларни текин, ижара шарти билан бериш ёки лизинг асосида тақдим этиш ҳуқуқлари ҳам кўрсатиб қўйилган.

Бугунги кунда "Ўзбегим кўйлаклари" хусусий савдо ишлаб чиқариш фирмасида тайёрланаётган шарқона кўйлаклар, келинлар либослари, турли хил анжомларни Фарғона водийсида яхши билишади. Бу корхона раҳбари Маҳмуджон Раимжонов ҳам сулоласи икки-уч асрга бориб тақаладиган Кўқоннинг машҳур тикувчи-чеварлар авлодидан. Маҳмуджон отабоболари касбини ардоқлаб, Германия, Россия, Венгрия, Чехия каби давлатлардан энг замонавий тикувчилик ускуналарини олиб келди. Чунки бугунги кундаги истеъмолчининг диди ва таъби жуда нозик. Агар кўйлакнинг чоки бироз нотекис чиқса ҳам, дарҳол илғаб олади. Тугма тешиклари бир маромда аверло қилинмаган бўлса маҳсулот пештахтада қолиб кетаверади. Шунинг учун ҳам у 18 та тикувчилик дастгоҳини валюта ҳисобига сотиб олди. Бу машинада тугма очиш, тикиш, матоларни қирқиш, чок тикиш, қадоқлаш каби 20 дан ортиқ мураккаб жараёнларни бир зумда тайёрлаб беради.

Оилавий шароитда иш бошлаган фирма бугун туппа-тузук корхонага айланди. Ҳозир бу ерда 30 га яқин киши меҳнат қилаяпти. Яқинда фирма раҳбари Хитойга бориб келди. У мазкур давлатдан 17 миллион сўмлик энг замонавий тикувчилик дастгоҳларини, 10 миллион сўмлик истеъмолчилар суядиган материалларни, 3 миллион сўмлик жемфер тўқиш дастгоҳини олиб келди. Бунча маблағ қаердан келди, деб қизиқаётган бўлсангиз керак. Кўқон шаҳар ҳокимлиги томонидан ишлаб чиқариш корхоналарини қўллаб-қувватлаш ва молиявий соғломлаштириш ҳамда ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш бўйича махсус дастур ишлаб чиқилган. Бу дастур Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан қўллаб-қувватланди. Дастурга биноан "Ўзбегим кўйлаклари" фирмасига "Ўзсаноатқурилишбанк"и томонидан 35 миллион сўмлик имтиёзли кредит ажратилди. Ана шу кредитнинг ҳаммаси биз юқорида тилга олган ишлаб чиқариш дастгоҳлари, хомашё сотиб олишга йўналтирилди.

Энди хусусий корхона касаначилик ҳаракатига ҳам ўз ҳиссасини қўшмоқчи. Шаҳарнинг чеварчиликни азалий касб деб билган 40 га яқин қизлари билан касаначилик асосида шартнома тузишни режалаштириб туришибди. Бугун-эрта бу тадбир ҳам амалга оширилади.

Яқинда Кўқон буюм бозорида чекка қишлоқлардан келиб, "Киндер-Кўқон" хусусий корхонасида тайёрланган оёқ кийимларини сўраб-суриштираётган харидорларни кузатдик.

— Бундан уч йил аввал шу корхонада тайёрланган маҳсулот — эркаклар пойабзалини сотиб олган эдик, — дейди Бувайданинг Бачкир қишлоғилик Мастура опа. — Ўғлим уч йил қишин-ёзин кўча-кўйга, ҳатто дала ишларига ҳам кийди. Пишиқлигини қаранг. Шунча чидади. Бозорга яна шу корхонанинг маҳсулотларини излаб келган эдим.

Дарҳақиқат, "Киндер-Кўқон" хусусий корхонаси асосан "Кўқонпойабзали" акциядорлик жамияти билан касаначилик асосида иш олиб бораяпти. Чунки жамият хорижда ишлаб чиқарилган ускуналарни ижарага олган. Корхонада асосан Туркия ва Россия давлатларидан келтирилаётган хомашёдан фойдаланилаяпти. Пойабзалларнинг ички ва ташқи қисмлари тўла табиий тери маҳсулотларидан тайёрланади. Ҳозиргача бу ерда 140 дан ортиқ пойабзал моделлари яратилди. Яқин кунлар ичида дунёга машҳур "Прагма" корхонасидан асбоб-ускуналар ҳамда модельер-технологиялар келиши кутилмоқда. Эътиборли жиҳати шундаки, корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг учтадан биттаси янги модел ҳисобланади. Ўтган йили бу ерда 185 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Эндиликда 40 нафар касаначи билан шартнома тузиш жараёни кетаяпти.

Касаначилик бугунги кунда Кўқон саноатининг асосий тармоқларидан бири бўлиб қолаяпти. Ҳозир шаҳар бўйича тайёрланаётган саноат маҳсулотларининг деярли ярмини кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари етказиб бераяпти. Яқин кунлар ичида ана шу кўрсаткич ёнига шаҳар касаначилари саноат маҳсулотларининг фалон фоизини етказиб берди, деган банд ҳам битилиши, шубҳасиз. Чунки шу қисқа вақт ичида бу ерда 50 га яқин саноат корхоналарида касаначилар учун мингдан зиёд ўринлар яратилди.

Набижон СОБИР,
"Халқ сўзи" мухбири.

Аввал хабар қилинганидек, шу йилнинг майиюнь ойларида мамлакатимизда фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови ўтказилади. Ана шу муҳим сиёсий тадбирни пухта ўтказиш, сайловчилар фаоллигини ошириш, жойлардаги ишчи гуруҳи ва комиссиялар ишини яхшилаш ҳамда уларга керакли йўл-йўриқ ва тавсиялар бериш — Хоразм вилояти ҳокимлигида ўтказилган семинарнинг асосий мазмунини ташкил этди.

Оқсоқоллар сайловига тайёргарлик

«Фуқаролар йиғини раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари, сайловнинг ҳуқуқий асослари» мавзусига бағишланган ушбу семинарда республиканинг тегишли идоралари раҳбарлари, Олий Мажлис Сенати аъзолари, фуқаролар йиғини раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари, сайловни ташкил этиш ва ўтказишга кўмаклашувчи вилоят, шаҳар ва туманлар комиссиялари раислари, туман ҳокимлари ва бошқа мутасадди ташкилотлар раҳбарлари қатнашдилар.

Семинарда Олий Мажлис Сенати комиссияси аъзолари, парламент Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси раиси Акмал Саидов, Олий Мажлис Сенатининг назорат-ахборот бўлими мудири Абдураҳмон Бобоевлар сайловнинг ҳуқуқий асослари, сайловга ташкилий жиҳатдан кўмаклашувчи комиссиялар фаолияти, сайловни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича ишчи гуруҳларининг ваколатлари мавзуларида маъруза қилдилар.

Мунозараларда сўзга чиққанлар сайловда номзодларнинг шахсий меҳнат фаолияти, жамоат ишларидаги фаоллиги, ҳаётий тажрибаси, бошқаларга ўрнак бўладиган жиҳатларига эътибор бериш, ана шундай кишиларни номзодликка тавсия этилишини таъминлаш, бунда депутатлар, кўп сонли фаоллар ва жамоатчилик фикрига суяниш лозимлигини таъкидладилар.

Семинар ишида вилоят ҳокими И. Бобожонов қатнашди.

Ойбек РАҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

«Шаллер-Ўзбекистон» — тадбиркорлар таянчи

Пойтахтимизда фаолият кўрсатаётган ушбу масъулияти чекланган жамият қарийб тўрт йилдирки, мамлакатимиз технологиялар бозорида муваффақиятли иштирок этиб келмоқда. Фаолиятини улгуржи ва чакана савдо билан бошлаган мазкур жамоа ҳозирга келиб, юртимиздаги тадбиркорлар ва фермер хўжаликларига энг замонавий технологиялар етказиб берадиган ишончли ҳамкорга айланди.

Албатта, технологияни келтириш, иш битди, дегани эмас. Бундан кўзланган мақсад сифатли ва рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариб фойда кўриш. Айнан, шу борада жамият мутахассислари томонидан тадбиркорларга йўл-йўриқ ва қимматли маслаҳатлар берилаётгани, шунингдек, келтирилган технологияларни ўрнатиш, уларни ишга туширишда ҳамда эҳтиёт қисмлар етказиб беришда амалий ёрдам кўрсатилаётгани кутилган самарани бермоқда. Мисол учун, Тошкент туманидаги "Тўхтаниёз ота" фермер хўжалиги ҳам "Шаллер-Ўзбекистон" МЧЖ томонидан келтирилган технологиялар билан жиҳозлангач, кўплаб турдаги харидоргир гўшт ва сут маҳсулотлари ишлаб чиқара бошлади.

Айтиш жоизки, мазкур жамият томонидан биргина 2005 йилда тадбиркорлик субъектларига 1 миллиард сўмликдан зиёд турли хизматлар кўрсатилди.

— Фаолият туримизни кенгайтириш, аниқроғи, юртимиз тадбиркорлари билан алоқаларни янада яхшилаш мақсадида янги идорага кўчиб ўтдик, — деди биз билан суҳбатда ушбу жамият бош директори Йўлдош Казаков. - Бу ерда тадбиркорлар ўзларини қизиқтирган технологиялар хусусида маълумот олишлари, уларни хориждан имтиёзли тарзда келтириш ва ўрнатиш бўйича битимларни имзолашлари, мавжудларини харид қилишлари мумкин.

Саидолим ҲАЙДАРОВ,
"Халқ сўзи мухбири.

ЎзЭОАВМАда янги аъзолар

Пойтахтимиздаги "Dedeman Silk Road" меҳмонхонасида "Нодавлат телерадиоузатувчиларининг 2006-2007 йилларга мўлжалланган ривожланиш дастури" мавзусида конференция бўлиб ўтди.

Бугун нодавлат телерадиоканаллар сони ортиб бораётир. Шу билан бир қаторда уларнинг мухлислари ҳам кўпчиликни ташкил этади. Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси (ЎзЭОАВМА) ташаббуси билан ўтказилган конференцияда Ўзбекистон нодавлат телекомпаниялари телетармоғи, "Эркин фикр" телестудияси ҳамда "Ўзбекистон кабель тизимлари"нинг 2005 йилда амалга оширган ишлари ҳақида ҳисобот тингланди. Шундан сўнг иштирокчилар мамлакатимизда замонавий масс-медиа бозорини ривожлантириш, иқтисодий ўзгаришлар пайтида электрон ОАВларнинг аҳамиятини ошириш ҳамда уларга тегишли қонунчиликни такомиллаштириш масалаларида фикр алмашдилар. Тадбир сўнгида, ЎзЭОАВМАга янги аъзолар қабул қилинди. Шундай қилиб ассоциацияга 16 та электрон ОАВ аъзо бўлиб кирди.

Қобил ХИДИРОВ.

Анжуман

Кеча Миллий матбуот марказида ТошДЮИнинг учинчи босқич талабаси Отабек Мирзаев қаламига мансуб «Интерпол» деб номланган китобнинг тақдимот маросими бўлиб ўтди.

«Интерпол» китоби тақдимоти

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Интерпол — Халқаро полиция ташкилотининг 1994 йил 28 сентябрда бўлиб ўтган 63-сессиясида унга тўла ҳуқуқли аъзо бўлиб кирган эди. Ўтган давр мобайнида ташкилотнинг республикамиздаги Миллий марказий бюроси жиноятчиликка қарши кураш борасида муайян ютуқларни қўлга киритди.

Миллий марказ бюроси билан Тошкент давлат юридик институти ҳамкорлигида кенг жамоатчилик учун мўлжаллаб чиқарилган илмий-оммабоп китоб дунёнинг икки юзга яқин мамлакатида фаолият юритаётган Интерпол ташкилоти ҳақида батафсил маълумот беради. У ўзбек тилида ушбу мавзуда илк бора нашр этилган биринчи китобдир. Уни тайёрлашда муаллиф бир қатор манбаларга мурожаат қилган. Хусусан, бу борада штаб квартираси Франциянинг Лион шаҳрида жойлашган Интерполнинг Бош котибияти веб сайти, рус олимларининг қатор тадқиқот ишлари ва жаҳондаги энг нуфузли университетларнинг ҳуқуқшунослик факультетлари битирувчи курс талабаларининг илмий ишларидан самарали фойдаланилган.

Ўйлаймизки, XXI асрда жиноятчиликнинг олдини олиш, уни фош этиш, тили ва дини бир-биридан айро халқларни тинчлик ва осойишталикни асрашдек эзгу мақсадлар йўлида яқдил ва бирдам ҳаракат қилишида асосий омил бўлаётган жаҳонда мукобили йўқ мазкур ташкилот ҳақидаги мажмуа жамоатчиликни бефарқ қолдирмайди.

Қ. ЭШМАТОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

Қарор ижросига бағишланди

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашида мамлакатимиз Президентининг «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларни кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ижросини таъминлаш масалаларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Вазирлар Кенгаши Раиси Б. Янгибоев бошқарган ушбу мажлисда тегишли вазирлик, идора ва муассасаларнинг раҳбарлари, мутахассислар иштирок этди. Кун тартибидаги масала юзасидан Қорақалпоғистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазири Ф. Эрмоновнинг ахбороти тингланди. Йиғилишда ҳаётий муҳим бўлган ҳужжатнинг ижросини тўла таъминлаш, унинг мазмун-моҳиятини ҳар бир фуқаролар йиғини, ҳар бир маҳалла, ҳар бир хонадонга етказиш юзасидан тадбирлар белгиланди.

Президент Қарорига кўра, кам таъминланган оилаларнинг шахсий чорвага эга бўлиши кўзда тутилган. Шу йилнинг ўзида уларга 900 миллион сўм миқдорида имтиёзли кредит ажратилади.

Янгибой ҚЎЧҚОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Ислоҳот сабоқлари

Енгил саноат:

МАСАЛАЛАР ЕЧИМИ ЕНГИЛМИ?

Иқтисодиётимизда тез ривожланиб бораётган соҳалардан бири — енгил саноат. Мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ ушбу тармоқни тараққий эттириш учун ҳукумат томонидан барча шарт-шароитлар яратилди. Хусусан, Германия, Жанубий Корея, Япония, Швейцария, Туркия ва АҚШ давлатлари билан ҳамкорликда 45 та қўшма корхона қурилиб, уларда юқори сифатли, жаҳон андозалари талабларига жавоб берадиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Мазкур корхоналарда ҳозир турли хил газлама, кийим-кечак, трикотаж, пайпоқ ва чинни маҳсулотлари билан бирга, тиббиёт соҳаси учун фойдаланиладиган буюмлар ҳамда махсус иш кийимлари тайёрланмоқда. Энг муҳими, маҳсулот таркибида пахта толаси кўплиги боис уларга хорижда ҳам талаб ортиб боряпти. Айни чоғда корхоналарда пахта толасини қайта ишлаш миқдори ҳам кескин ошмоқда. Масалан, 1995 йили бу кўрсаткич 152 минг тоннани ташкил этган бўлса, ўн йил ўтгач, у 250 минг тоннага тенг бўлди.

Бу, табиийки, республикамиз экспорт салоҳиятини ошириш имконини бермоқда. Масалан, дастлабки йилларда енгил саноатда экспорт миқдори 17 фоизни ташкил этган бўлса, ҳозирги кунда бу кўрсаткич 70 фоиздан ошди. Айниқса, тайёр тикувчилик ва трикотаж маҳсулотлари турлари янада кўпайди. Уларнинг асосий қисми хорижга жўнатиляпти.

Шу билан бирга, янги иш ўринлари ҳам кўпаймоқда. Биргина ўтган икки йилда 6900 та иш ўрни ташкил этилди.

Ҳақиқатдан ҳам, Президентимиз 2005 йил якунларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида таъкидлаганидек, мамлакатимиз иқтисодиётида амалга оширилаётган таркибий ислоҳотлар ва улардан кўзланган мақсадларнинг бажарилиши енгил саноатнинг жадал ривожланишида ҳам ўз ифодасини топмоқда. Бу тармоқда 2005 йилда ўсиш суръати 2004 йилдагига нисбатан 12 фоизни ташкил этгани, шу жумладан, тўқимачиликда 17 фоиз, тикувчиликда 24,5 фоиз, трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқаришда 53 фоиз ўсиш кузатилганини қайд этиш зарур.

Ҳукуматимизнинг 2005 йил 27 январдаги "Республика тўқимачилик тармоғига инвестициялар жалб этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига кўра эса, "Ўзбекенгилсаноат" компанияси томонидан 2005-2008 йиллар учун алоҳида дастур тузилган. Унга мувофиқ, тармоққа 1,2 миллиард АҚШ доллари миқдорида сармоя киритиш кўзда тутилган. Ҳозирги кунда бўяш, трикотаж ва тикиш жараёнларини қамраб оладиган тўқимачилик мажмуаларини қуришга киришилди.

Улар тўла ишга туширилгач, йилига 75 миллион дона тайёр тикув ва трикотаж маҳсулотлари тайёрлаш ҳамда 60 миллион АҚШ долларилик товарларни экспорт қилиш, мамлакатимизда етиштириладиган пахта толасининг ярмини ўзимизда қайта ишлаш имконияти яратилади. Пировардида юртимиз аҳолисининг юқори сифатли товарларга бўлган эҳтиёжи қондирилиб, 46 мингдан зиёд иш ўрни ташкил этилади.

"Чиноз тўқимачи": бошланиши чакки эмасди

Туркиянинг "Бурсел текстиль" компанияси сармояси иштирокида ташкил этилган Тошкент вилоятидаги "Чиноз тўқимачи" Ўзбекистон — Туркия — Япония қўшма корхонаси беш йилдан бери фаолият кўрсатяпти. У Япония ва АҚШдан олиб келинган энг сўнгги русумдаги ускуналар билан жиҳозланган, ҳар бир дастгоҳга эса хомашё ва маҳсулотлар сифатини аниқлайдиган компьютерлар ўрнатилган бўлиб, йилига 7,5 минг тонна пахта толасини қайта ишлаш орқали ип-калава ва газлама тайёрлаш қувватига эга.

Ана шу замонавий техника воситаларини, ишчилар учун яратилган шарт-шароитни кўрган ҳар бир кишининг ҳаваси келиши, шубҳасиз. Бироқ афсуски, ўз маҳсулотлари учун "Ўзбекенгилсаноат" компанияси тизимида биринчи бўлиб ИSO 9001:2000 халқаро сертификатини олган, 500 дан ортиқ киши меҳнат қилаётган мазкур корхона ўтган даврда бир йилдан зиёд вақт мобайнида тўхтаб турди. Шу боис иқтисодий кўрсаткичлар пасайиб кетди. Бунга хомашё, яъни пахта толаси ва айланма маблағлар етишмаганлиги сабаб бўлган экан.

Тўғри, қўшма корхона раҳбарлари ишни юритиш учун роса ҳаракат қилишди. Мутасаддилар ва тегишли вазирлик ҳамда идоралардагилар билан учрашмаган кишиси қолмади. Лекин афсуски, масаланинг ечими топилмади, яъни бирор бир раҳбар ишни ҳал қилиб беролмади. Хуллас, пахта толасини олишнинг иложи бўлмади. Оқибатда ишчилар мажбурий таътилга чиқарилиб, цехлар ҳувиллаб қолди.

— Одамлар "Нима бўлди?" деб ҳар куни сўрайверганидан кўчада юролмай қолдик, — дейди қўшма корхона директори ўринбосари Анвар Бўриев. — Қанақа жавоб беришни ҳам билмасдик. Яхшиямки, ўтган йили ноябрь ойида бўлиб ўтган халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида корхонамиз танқид қилингач, турли вазирлик ва идоралардан раҳбарлар келиб, мавжуд аҳвол билан танишганларидан кейин бизга амалий ёрдам беришди: етарли миқдорда пахта толаси ажратилди. Бунинг учун ҳукуматимиз ва вилоят раҳбарларига раҳмат.

Мана, икки ойдан ошдики, корхона тўла қувват билан ишлаяпти. Мутахассисларнинг фикрича, ҳалиям муаммоларнинг барчаси бартараф этилгани йўқ. Масалан, четга маҳсулот жўнатиш мақсадида божхона ҳужжатларини расмийлаштириш учун бир неча ўн километр йўл босиб, Янгийўл шаҳрига боришга мажбур бўлиняпти. Чиноздa божхона маскани очилса айни муддао бўларди. Шунингдек, банк тизимида ҳам муаммолар бор. Хусусан, банк кафолатисиз хомашё олишга рухсат берилса, шу билан бирга, маҳсулотни хорижга жўнатишдаги мулк солиғи ставкалари қайта кўриб чиқилса, айни муддао бўларди.

Лойиҳа қуввати қоғозда қолмоқда

Чирчиқ шаҳридаги "Бурсел Тошкент текстиль" қўшма корхонаси эса йилига 56 миллион дона трикотаж маҳсулоти ишлаб чиқариш қувватига эга. Лойиҳа бўйича жамоада тайёрланган маҳсулотларнинг 80 фоизини хорижга экспорт қилиш кўзда тутилган эди. Амалда эса 100 фоиз товар Европа давлатлари ва АҚШга жўнатиляпти.

1,5 мингга яқин киши меҳнат қилаётган мазкур корхона ҳам хорижнинг энг сўнгги русумдаги ускуналари билан жиҳозланган. Ишчиларнинг унумли ишлаши ва дам олишлари учун эса барча шарт-шароитлар муҳайё. Айниқса, тайёрланган товарлар сифатлилиги, бежиримлиги ва дизайни жиҳатидан эътиборга лойиқ. Шунинг учун уларга четда талаб катта.

Лекин корхона айни пайтда 70 фоизга яқин қувват билан ишлаяпти. Ўтган йили ҳам худди шундай ҳолат кузатилганди. Натижада бултур нафақат бизнес режадаги, балки умуман фойда олинмади. Жамоага хомашё етказиб беришда "Чиноз тўқимачи" ва Шаҳрисабздаги "Оқсарой" қўшма корхоналари узилишларга йўл қўйгани оқибатида шундай ачинарли ҳолат содир бўлди.

Жамоа раҳбарларининг фикрича, ечимини кутаётган бошқа муаммолар ҳам мавжудки, улар ҳал этилса корхона тўла қувват билан ишлашига шароит яратилади. Хусусан, ташқи иқтисодий фаолият билан боғлиқ бўлган қонунларни қайта кўриб чиқиш, ҳозирги даврни ҳисобга олиб, уларга ўзгартиришлар киритиш лозим. Шунингдек, иш жараёнида учрайдиган баъзи масалаларни тез ҳал этиш мақсадида банк тизими фаолиятини жаҳон талаблари даражасида ташкил этиш керак.

Янгийўл туманидаги "Ядем текстиль" Ўзбекистон — Туркия қўшма корхонаси ҳам трикотаж ва тикувчилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Товарларнинг 90 фоизи хорижга экспорт қилиняпти. 1600 киши эса иш билан таъминланган.

Лекин афсуски, мазкур корхона ҳам 75 фоиз қувват билан ишламоқда. Бунинг сабаблари кўп. Масалан, тайёрланаётган маҳсулотлар учун зарур бўлган тугма ва бошқа турли аксессуарлар четдан олиб келиняпти. Устига устак, малакали ишчилар етишмаётир. Дастлабки пайтларда ойлик маошнинг нисбатан камлиги эса ишчилар кўнимсизлигини келтириб чиқармоқда. Қўшма корхона маъмурияти маҳаллий ҳокимликлар билан бирга бу масалани ҳал этиш чораларини кўрсаларгина кутилган натижа бўлиши мумкин.

Хорижлик мутахассисларнинг фикрича, битта замонавий иш ўрни яратиш учун бир неча минг АҚШ доллари зарур бўлади. Шундай экан, катта маблағ ҳисобига бунёд этилган корхоналардан унумли фойдаланиш, мавжуд имкониятларни ишга солиш керак эмасми? Энг сўнгги русумдаги ускуналар билан жиҳозланган корхоналарнинг фаолият кўрсатмасдан тўхтаб туриши ёки уларнинг тўла қувват билан ишламаётганини қандай баҳолаш мумкин? "Ўзбекенгилсаноат" компанияси раҳбарлари бу тўғрида жиддий ўйлаб кўрсалар фойдадан холи бўлмас эди. Зеро, тегишли вазирлик ва маҳаллий ҳокимликлар билан бирга юқорида қайд этилган муаммолар қанчалик тез бартараф этилса, тармоқда эришилаётган ютуқлар бугунгидан ҳам салмоқли бўлиб, республикамиз экспорт салоҳияти эса янада ошган бўларди.

Ҳосил КАРИМОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

Ҳиндистон дунё цивилизациясининг бешикларидан бири ҳисобланади. Мазкур мамлакат, унинг халқи, маданияти, миллий урф-одатлари, яшаш тарзи юртдошларимизга яхши таниш. Чунки ўзбек ва ҳинд халқлари ўртасидаги алоқалар узоқ тарихга бориб тақалади. Бундан ташқари, Ўзбекистонда ҳинд китобларини севиб ўқишади, киноларини севиб томоша қилишади.

Ҳиндистон Жанубий Осиё минтақасида жойлашган. Шарқ тарафдан Бангладеш ва Мьянма, шимол тарафидан Хитой, Непал ва Бутан, ғарбдан эса Покистон билан чегарадош. Жанубда мамлакат қирғоқларини Ҳинд океани, ғарбда эса Арабистон денгизи ювиб туради. Пойтахти Деҳли. Мамлакатнинг умумий майдони 3 287 732 километр квадратни ташкил қилади. Аҳолиси 1 миллиард 100 миллиондан ортиқ. Расмий тили 14 та бўлиб, шундан ҳинд ва инглиз тиллари асосий давлат тили ҳисобланади. Бу юртда 500 дан ортиқ миллат ва элатлар истиқомат қилади.



Азалий дўст мамлакат

Халқаро ҳамкорлик

Давлат тузилиши федератив республика. Мамлакат 25 та штат ва 7 та иттифоқдош ҳудуддан иборат. 1947 йил 15 августда Ҳиндистон Буюк Британия мустамлакасидан озод бўлган. Давлат раҳбари президент ҳисобланади. Вазирлар Маҳкамасига раҳбарлик қилувчи бош вазир ижро ҳокимиятини бошқаради. Қонунчилик органи Юқори ва Қуйи палатадан иборат. Мамлакат ички сиёсатида Ҳиндистон миллий конгресси ва Бхарата жаната пари партиялари катта таъсирга эга.

Ҳиндистон иқтисодиёти сўнгги йилларда жадаллик билан ривожланиб бораяпти. Бугунги кунда ялпи ички маҳсулот ҳажмининг 75 фоизи хусусий секторга тўғри келади. Шундан билса ҳам бўладики, мамлакатда бозор иқтисодиёти талаблари ҳаётга тўлиқ татбиқ этилган. ЯИМнинг 30 фоизи қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига тўғри келади. Шу ўринда бир нарсани таъкидлаш лозимки, дунёдаги энг кўп суғориладиган ерга эга Ҳиндистон қишлоқ хўжалиги соҳасида катта муваффақиятларга эришмоқда. Бир миллиарддан ортиқ аҳолининг дон, полиз ва мевасабзавотга бўлган эҳтиёжини қондириш билан бирга, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини четга экспорт ҳам қилади.

Оғир ва енгил саноат, тўқимачилик, машинасозлик, тоғ-кон металлургия, нефть қазиб олиш ва қайта ишлаш, электроника, энергетика ҳамда фармацевтика мамлакат иқтисодиётида устувор соҳаларни ташкил қилади. Саноат ишлаб чиқариши, жалб қилинаётган хорижий инвестиция ҳажми жиҳатидан жаҳондаги биринчи ўнликка киради. Қулай сармоявий муҳит ва улкан ҳинд бозори дунёнинг етакчи компанияларини мазкур юртга жалб қилмоқда. Бундан ташқари, Ҳиндистон ахборот технологиялари соҳасида ривожланган давлатлар қаторидан жой олган. Биргина 2004 йилда 12,5 миллиард АҚШ долларига тенг ахборот технологиялари маҳсулотларини четга экспорт қилгани бу фикрни тасдиқлайди. Мамлакат сўнгги йилларда ҳарбий техника, фазовий тадқиқотлар соҳасида ҳам катта қадамлар ташламоқда.

Мамлакат ташқи сиёсатига эътибор қаратадиган бўлсак, Ҳиндистон Европанинг бир қатор ривожланган давлатлари, АҚШ, Россия, Хитой ва Япония мамлакатлари билан кенг кўламда иқтисодий ҳамкорлик алоқаларни йўлга қўйган. Мамлакат бугунги кунда ўттиздан ортиқ халқаро ташкилотларнинг тенг ҳуқуқли аъзосидир.

Сўнгги йилларда Ўзбекистон — Ҳиндистон муносабатлари ҳам жиддий ривожланиб бормоқда. Бугунги кунда мамлакатларимиз ўртасидаги ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳамкорликнинг ҳуқуқий асосини қирқдан ортиқ ҳужжатлар ташкил қилади.

Айни пайтда юртимизда ҳиндистонлик тадбиркорлар билан ҳамкорликда ташкил этилган эллиққа яқин қўшма корхона фаолият кўрсатиб келаяпти. Буларнинг сафи йил сайин тобора кўпайиб бораётганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Ўтган йил 4-6 апрель кунлари юртимиз раҳбарининг Ҳиндистонга қилган давлат ташрифи икки томонлама алоқаларни янги босқичга кўтарди. Ушанда икки мамлакат ҳукуматлари ўртасида кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик, таълим, маданият соҳалари бўйича қатор ҳужжатлар имзоланганди. Шу билан бирга, мудофаа вазирликлари, савдо-саноат палаталари, банклар, ташқи иқтисодий алоқаларни мувофиқлаштирувчи ва сайёҳлик ташкилотлари ҳамда қатор олий ўқув юртлари ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги ҳужжатларга имзо чекилганди. Шуни ҳам алоҳида айтиш лозимки, ҳозирда давлатлар ўртасидаги муносабатларда халқаро ва минтақавий хавфсизлик борасидаги ҳамкорлик ҳам муҳим ўрин тутади.

Бугунги кунда Ҳиндистонга юртимиздан асосан рангли металлар, пахта, ипак, полиз маҳсулотлари ва кимёвий толалар экспорт қилинади. Ҳиндистондан эса мамлакатимизга кимёвий бирикмалар, технологиялар, қоғоз ва дори-дармон импорт қилинди. Лекин бу ҳали ўзаро товар айрибошлаш имконият даражасида эканлигини кўрсатмайди. Хусусан, самолётсозлик, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, энергетика ҳамда тоғ-кон саноати бўйича алоқаларни замон талаби даражасида ривожлантириш мумкин.

Қисқаси, ўзаро муносабатларнинг ривожланишидан икки мамлакат ҳам бирдек манфаатдор. Ҳиндистон тадбиркорлари фаолиятининг Марказий Осиё минтақаси бўйлаб кенгайишида Ўзбекистон муҳим ўрин эгаллайди. Ўзбекистоннинг эса Ҳинд океани сув йўлларига чиқишида бу мамлакатнинг аҳамияти беқиёс.

Юнус БЎРОНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Бу хусусий банк жамоаси жорий йилни ана шундай катта ният билан бошлади. Белгиланган режа эса, табиийки, мамлакатимизнинг пул-кредит, молия бозорларида банкнинг иштирокини фаоллаштиришни тақозо этади.

Банк жамоасининг фикрича, ҳар қандай мақсадга мавжуд салоҳият ва саъй-ҳаракатларга суянилган ҳолда эришилади. Бинобарин, банкни стратегик ривожлантириш дастурида белгиланган режалар ҳам ўтган йилги натижаларга асосланган. Қўлга киритилган ютуқларни мустаҳкамлаш йўлида янада қатъият ва сабот кўрсатилса, албатта, янги марралар эгалланаверади.

КАТТА НИЯТ КАТТА ИШЛАРГА ДАЪВАТ ЭТАДИ

«Туркистонбанк» ўз активларини икки баравар оширмоқчи

Бир мисол. Асосий кўрсаткич — банк активлари ўтган йил давомида 193 фоиз ўсди. Эътиборли томони шундаки, уларнинг деярли 75 фоизи юқори ликвидли ва даромад келтирувчи активлардан таркиб топди. Асосий даромад келтирувчи манба — кредит портфели эса икки ярим баравар ошди.

Банк ўз активларини кўпайтириш учун мажбуриятларни, яъни банк томонидан жалб этиладиган маблағлар ҳажмини оширишга алоҳида эътибор берди. Натижада якунланган йилнинг ўзида бу кўрсаткичнинг салкам икки баравар ўсиши таъминланди.

Жалб қилинган ресурс базасидан оқилона фойдаланиш, банк даромадларини ошириш мақсадида эса ресурслар асосан истиқболли лойиҳаларни молиялашга ва банкларароо депозит қўйилмаларига йўналтирилди. Бу борада ҳам кутилган мақсадга эришилди — банкнинг даромадлилиги ошди. Кредит бозоридаги фаол саъй-ҳаракатлар туфайли ҳам аксиядорларни, ҳам мижозларни мудом қизиқтирадиган кўрсаткич — банкнинг ликвидлик коэффиценти шу йил бошига келиб 91,3 фоизни ташкил этди.

Банкнинг кредит портфелида ҳам жиддий сифат ўзгаришлари юз берди. Кредит портфели йил давомида диверсификация қилиб борилди. Мижозларнинг қисқа муддатли кредитларга бўлган эҳтиёжи ўз вақтида қондирилди. Кредитлар асосан инвестиция йўналишида бўлиб, улар ёрдамида иқтисодиётнинг устувор тармоқлари — транспорт, қурилиш, қишлоқ хўжалиги, енгил саноат, телекоммуникация соҳаларига тегишли лойиҳалар молиялаштирилди.

Кичик ва хусусий корхоналарни кредитлаш ҳамда тадбиркорлик ташаббусларини ривожлантириш, шу орқали янги иш ўринлари ташкил этиладиган лойиҳаларни молиялаш банкнинг кредит сиёсатида устувор бўлиб қолди. Банкнинг ихчамлиги ва ходимларнинг сафарбарлиги ҳар бир кичик бизнес субъекти, хусусий тадбиркорлар билан алоҳида-алоҳида ишлаш имконини берди. Ҳукумат томонидан кичик бизнес ва тадбиркорликни ҳар томонлама ривожлантириш борасида кўрилаётган чора-тадбирлар, уларга яратилаётган имтиёзлар янги истиқболли мижозларни жалб этишга шароит яратди. Шунга мос равишда банк турли ҳисоб-касса хизматлари кўрсатиш баробарида кредитлашнинг содда ва мақбул схемаларини жорий этиб, уларни тақдим этиш жараёнларини соддалаштирди ва расмийлаштириш муддатларини қисқартирди.

Банк тизими

Банкнинг кичик бизнес билан яқинлашуви, янги мижозлар орттириш фақат асосий операцияларни амалга ошириш ва ширин калом билан чекланиб қолмайди, албатта. Уларга янги банк технологияларини қўллаган ҳолда хизмат кўрсатишнинг замонавий турлари таклиф этиб борилди. Масалан, ўтган йили Тошкентнинг гавжум жойларида иккита мини банк ташкил этилиб, уларда корпоратив ва чакана мижозларга кенг доирада банк хизматлари кўрсатиш йўлга қўйилди. Банк раҳбарияти улар тармоғини кенгайтириш мақсадида яна 2 та мини банк очишни мўлжаллаб турибди. Уларнинг фаолияти ҳар хил тўловларни қабул қилиш, аҳолининг бўш пул маблағларини депозитларга жалб этиш, янги мижозлар орттиришда ғоят самарали бўлди. Ўтган йилнинг ўзида 70 та юридик, 53 та жисмоний шахс банкда ўз ҳисоб рақамини очгани шундан далолат беради.

Банк активлари сифатининг ошиши тадбиркорларнинг ўз бизнесини ривожлантиришга доир режалари қўллаб-қувватланишига ҳам замин ҳозирламоқда. Икки томонлама манфаатли ҳамкорликни кенгайтириш учун банк ўз устав капиталини оширишга эътибор бермоқда. Ўтган йили устав капитали олти баробар оширилган бўлса, шу йил охиригача уни икки миллиард сўмга етказиш режалаштирилган. Шунга мос равишда кредит муассасаси акциядорлари сони ҳам ортиб боради. Салоҳиятли сармоядорлар маблағларини банк капиталига жалб этишда, шубҳасиз, банк фаолияти равшанлиги, даромадлилиги, ликвидлилигини таъминлаш муҳим омил бўлиб қолади.

Ўзбекистонда банк тизимини, пул-кредит, молия бозорларини эркинлаштиришга доир кўрилаётган чора-тадбирлар, маълумки, бизнес тузилмалари ва аҳолининг банкларга бўлган ишончини мустаҳкамлашга шароит яратаяпти, улар ўртасидаги муносабатларнинг янги қирраларини излаб топишга ундамоқда. Мамлакатимиз Президентининг «Банклардаги депозит ҳисобваракларидан нақд пулдаги тўловларни узлуксиз таъминлаш кафолатлари тўғрисида»ги қароридан сўнг, айниқса, иш ҳақи, турли ижтимоий тўловларнинг ўз вақтида бериб борилиши таъминланди. Шу кунга қадар бу борада банкка бирон тадбиркорлик субъекти ёки фуқародан шикоят келиб тушмади. Савдо-сотиқ билан шуғулланувчи якка тартибдаги хусусий тадбиркорлар инкассация орқали топширган нақд пул тушумлари миқдорида ва маҳсулот ишлаб чиқарувчилар, юридик шахс бўлмаган якка тартибдаги хусусий тадбиркорларга кредит обороти миқдорида нақд пул билан таъминлаб борилмоқда.

Бу йил ҳам банкни ривожлантириш борасидаги тадбирлар акциядорлар томонидан маъқулланган концепция асосида олиб борилади. Бунинг учун банкда маркетинг фаолияти кучайтирилмоқда. Кредит маблағлари биринчи навбатда мамлакат иқтисодиётининг кучайиши, унинг экспорт салоҳияти ортиб боришини белгилайдиган инвестицион лойиҳаларни молиялашга йўналтирилади. Кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектларига, оддий фуқароларга кўрсатиладиган хизматлар кўлами эса янада кенгайтирилади.

Айни чоғда банк «Western Union», «Анелик», «Травелэкс» каби пул ўтказиш тизимлари билан алоқа ўрнатиш чораларини излаяпти. Бундан ташқари, яна 2 та валюта айирбошлаш шохобчасини очишга тараддуд кўрилмоқда.

Банкда чет эл валютасида амалга ошириладиган операциялар ҳажми ва турларини кўпайтириш, аҳолининг бўш валюта маблағларини депозитларга жалб этишга ҳам алоҳида аҳамият берилмоқда. Валюта операцияларининг тез ва сифатли бажарилиши учун чет эл банклари билан бевосита вакиллик муносабатларини ўрнатиш чоралари кўрилмоқда.

Шу билан бирга, банкда тадбиркорларга ахборот-маслаҳат хизмати кўрсатиш кенгайтирилмоқда. Масалан, банк тадбиркорларга ўз маблағларининг қимматли қоғозлар бозорида ҳаракат қилиши учун воситачилик операцияларини амалга оширишни таклиф этмоқда. Бунинг афзаллиги нимада? Банкда тадбиркорларнинг молиявий ресурсларга бўлган талабини аниқлаб бериш билан чекланмасдан, ундан фойдаланишнинг барча босқичларида маслаҳат бериш йўлга қўйилади. Бундай чоралар, табиийки, кредит маблағларининг қайтмаслик таваккалчилигини пасайтиришга хизмат қилади.

Банк активларини ошириш, унинг воситачилик аҳамиятини орттириш, мижозлар ва аҳолининг бўш маблағларини иқтисодиётга жалб қилишда депозитлар жозибадорлиги муҳим ўрин тутиши амалда исботланган. Шу боис ҳозирги пайтда банкда мижозларга йиллик 24-26 фоиз тўланаётган икки ойдан бир йилгача бўлган омонат турлари таклиф этилмоқда. Бундай жамғармалар эса аҳолига истеъмол кредитлари ажратиш кўламини оширишда ғоят қўл келмоқда.

Ресурслар бошқарувидаги изланувчанлик, оқилона стратегик ва молиявий режалаштириш банкнинг ликвидлиги, рақобатбардошлигини таъминламоқда. Бу эса пировардида катта мақсадларнинг ушалишида муҳим омил бўлаётир.

А. ҲАЙДАРОВ.



БАҲОР ТАШВИШЛАРИ ВА ҚУВОНЧЛАРИ

Бугунги кунда пойтахтимизда майдонлар ва хиёбонларни ободонлаштириш, йўллар ва суғориш тизимини таъмирлаш, кўкаламзорлаштириш ишларига жиддий эътибор қаратилмоқда. Бу хайрли ишга Собир Раҳимов тумани ободонлаштириш бошқармаси жамоаси ҳам ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшмоқда.

Аҳолиси зич жойлашган ушбу туманнинг қиёфасини яхшилаш бўйича ишлаб чиқилган мажмуавий концепция бўйича ободонлаштириш соҳаси ходимлари фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва маҳалла аҳлининг фаол кўмагида бу йилги баҳорда мазкур йўналишда салмоқли ишларни амалга оширдилар. Хусусан, туман ҳудудида 400 туп мевали, 1850 туп нина баргли, 600 тупдан ортиқ манзарали дарахт кўчатлари, 2150 туп терак, 3600 туп атиргулнинг турли навлари экилди. Кичик халқа йўлининг ўзидагина (Абдурахмонов ва Ниёзов кўчаларида) 100 минг туп бир йиллик "Петунья" гули ўтказилди. Май ойигача ана шу гулларнинг сони 300 минг тупга етади.

Бундан ташқари, Рустам Шоджонов бошлиқ жамоа мавжуд транспорт бекатларини таъмирлаб, генерал Гофуров, Дадабоев, Гафур Гулом, Шамсутдинов ва "Тараққиёт" кўчаларида эса янги бекатларни барпо этди. 116 километрлик муҳандислик тармоқлари, 16 километрлик қувур-кўприклар тозаланиб, бир неча юз километрлик йўлкалар ва йўл қопламалари созланди. "Чуқурсой", "Умид", "Чўлпон", "Навбаҳор" маҳаллалари ва бошқа жойларда эса йўл қопламалари учун 150 тонна замонавий материаллар ишлатилди.

Айни чоғда бошқарма ходимлари аҳоли орасида, айниқса, ёшлар ўртасида жамоатчилик жойларида ўзини тутиш маданияти, экинларга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш ва тозалик бўйича кенг кўламли тушунтириш ишларини олиб боришаяпти. Бу тадбир ўз навбатида самара бермоқда.

Ободонлаштириш бошқармасининг техник базаси ҳам мустаҳкамланмоқда. Бугунги кунда бу ерда иккита самосвал, юк машинаси, бир неча трактор, компрессор, ўт ўрувчи мослама ва бошқа техника воситалари ишлаб турибди.

Жамоада эса 230 нафар киши иш билан банд. Улар учун барча шарт-шароитлар яратилган. Махсус пойабзал ва кийим-кечак, аптечкалар ажратилган. Буларнинг барчаси иш самарадорлигини оширишга ёрдам бераяпти. Ишончимиз комилки, Собир Раҳимов тумани ободонлаштириш соҳаси ходимлари бундан кейин ҳам республикамиз пойтахтида кўпгина хайрли ишларни амалга ошириб, пешқадамлар сафида бораверади.

Усмон УСМОНОВ.

СУРАТДА: кўкаламзорлаштириш ишларидан лавҳа.

Муаллиф олган сурат.



Маънавият

"Маънавият" тушунчаси мустақиллик давридан бошлаб росмана истеъмолга кирди. Орадан ўтиб бораётган ўн беш йил халқимизнинг маънавий камолотга эришиш йўли бўлди, десак хато қилмаган бўламиз. Жамиятда маънавий тикланиш ва миллий тафаккур устуворлиги одамларнинг ҳамжиҳат-у ҳамкорликда мамлакатимиз тараққиётига қўшаётган ҳиссаси ҳамда ислоҳотлар самарадорлигини оширишнинг муҳим омилига айланиб бормоқда. Филология фанлари доктори Муҳаммаджон ИМОМНАЗАРОВ билан бўлган суҳбатимиз ана шу мавзуга бағишланди.

Қалбдаги гавҳар

— Ҳали шўролар тузуми мавжуд бўлган бир давр — 1990 йилнинг 24 мартида Олий Кенгаш сессиясида Ўзбекистонда биринчи марта Президент лавозими жорий этилди. Ислом Каримов Президент сифатидаги илк нутқидаёқ "халқни маънавий юксалтириш, инсонни ахлоқий ва маънавий юксалтириш" давлат раҳбарининг энг муҳим вазифаларидан бири эканини алоҳида таъкидлаб ўтди. Бу мутлақо янгича ёндашув, ўша пайтда республика раҳбари учун катта жасорат эди.

Ўзбекистоннинг мустақилликка эришуви миллатимизнинг бахти бўлди. Миллат қайтадан ўзлигини таний бошлади. Аммо 70 йиллик мафкуравий оғу асоратидан инсонлар онгининг поклaниши тез ва осон ўтиб кетадиган жараён эмас эди. Эски мафкуранинг яроқсизлиги бугун ҳаммага маълум. Инсон онгидан янглиш ғояларни сиқиб чиқаришнинг фақат бир усули бор — уларнинг ўрнига янги қадриятлар тизимини шакллантириш, "кишиларнинг тафаккурини янги қадриятлар сари йўналтириш лозим". Бизда шу боисдан маънавий ислоҳотлар буюк аждодларимиз хотирасини ёд этиш, меросини холис ўрганиш билан бошланди. Биринчи навбатда, "совет даври"да номларини тилга олиш ман этилган алломаларимизга эътибор қаратилди. Тасаввуф пирлари Аҳмад Яссавий, Нажмиддин Кубро, Баҳоуддин Нақшбанд юбилейларининг нишонланиши, Тошкент шаҳрининг қоқ марказида Амир Темурнинг улуғвор ҳайкали ўрнатилиши миллатимизнинг руҳида поклaниш туйғуларини уйғотди. XX аср бошларида миллатни маърифат, адолат, ҳуррият сари етаклаган жадид алломаларимиз халқ дилидан жой ола бошлади. "Босмачилар" дея ёппасига қораланган миллий озодлик ҳаракати иштирокчилари ўз қадрларига лойиқ баҳоландилар. 1200 йил мобайнида ота-боболаримиз эътиқод қилиб келган ислом динига муносабат тубдан ўзгарди. "Дин одамзотни ёмон йўлга бошламайди" — дейди Юртбошимиз ҳамиша. Бу гапни бугун динни ниқоб қилиб олиб, турли низолар чиқаришга уринаётганлар билиб қўйишса, ёмон бўлмасди. Қадим битиклар, Адиб Аҳмад Юғнакий, Аҳмад Яссавий, Юсуф Хос Ҳожиб, Носируддин Рабғузий, Алишер Навоий асарларида инсон ва жамият муносабатларига жиддий аҳамият берилган. Ушбу асарлар моҳиятини англаб етсаккина, юксак маънавиятнинг мазмуни бизга аён бўлади.

— Сиёсий, иқтисодий ва маънавий мустақилликнинг ўзаро боғлиқлиги миллатнинг юксалиши ёки аксинча таназзулига қай даражада таъсир кўрсатади?

— Сиёсий мустақиллик бўлмаса, миллат аста-секин ўзлигини йўқота боради. Иқтисодий мустақилликсиз сиёсий мустақилликнинг замини мўртлашади. Аммо маънавий мустақиллик йўқми, тамом, миллатнинг ўзи ҳам бўлмайди. Якка бир шахс буткул ўзга бир маънавий муҳитда тарбия топиб, унга тўлиқ мослашиши мумкин. Бу инсон табиатига хос нарса. Бироқ бир халқ батамом ўзлигидан кечиб, ўзга халқ маънавий дунёсини қабул қилса, йўқлиги шудир. Шу сабабли миллий мустақиллик пойдеворини маънавий мустақиллик ташкил этади, деб бемалол айтиш мумкин. Миллий маънавиятнинг такомили эса ўша миллатга мансуб ҳар бир шахс камолоти билан боғлиқ ва у ушбу заминга таяниб юксалади. Шуни унутмаслик керакки, ўтмишимиз қанчалик буюк бўлмасин, келажагимиз миллатнинг ҳар бир аъзоси, юртимизнинг ҳар бир фуқароси қай даражада маънавий камолот ҳосил қилиши билан белгиланади. Мухтасар қилиб айтадиган бўлсак, маънавият ўзликни англашдир. Ўзлигини англаб етган шахс — маънавий етук шахс. Унинг барча инсоний фазилатлари қалбидаги маънавият нури жилоларидир.

— Маънавият ва бозор тушунчалари ҳақида ҳам тўхталиб ўтсангиз.

— Бу икки тушунчани бирбирига зид деб ўйлайсизми? Асло ундай эмас. Бозор муносабатлари миллий маънавиятимизнинг неча минг йиллик қадриятларидандир. Биз бозор иқтисодиётига асос-



ланган жамият қурмоқчи эканмиз, айни ўз миллий қадриятларимизга қайтган бўламиз, уларга таяниб, келажак сари олға силжиймиз. Албатта, бу янги тузум шундайича олдинги асрларни қайтариш бўлмайди, XX асрнинг жаҳон тараққиёти эришган барча ютуқларидан ижодий фойдаланилади.

Биз бозор маънавияти деганда, биринчи навбатда, инсоф ва диёнатни инсонлар қўнглида қайта уйғотиш зарурати англаймиз. Зеро, инсоф ва диёнат, ҳалоллик, ҳаётгани бунга далилдир. Демак, маънавиятга, маданиятга эътибор бозор иқтисодиётининг бугунги жаҳон талаблари даражасига кўтарилиб боришида етакчи кўрсаткичлардан ҳисобланади.

— Бугун маънавият ва маданиятнинг жамиятни ҳаракатлантирувчи куч сифатидаги ўрни қай даражада?

— Маданиятни маънавият яратади. Демак, маънавият имкон, маданият эса ушбу имкондан туғилган мавжудликдир. Маданият бугунги аҳволни акс эттиради. Маънавият келажакни белгилайди. Усиз келажак йўқ. Чунки келажакни роботлар эмас, инсонлар яратади. Инсонлар онги қандай бўлса, мамлакат келажаги ҳам шунга яраша бўлади. Энг катта бойлик инсонлар онгида яширин. Ана шу сармоя тобора кенгроқ миқёсда муомалага кирган сари, юртимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги мавқеи ҳам юксалаверади. Ўзбекистон нафақат келажаги буюк давлат, балки маънавияти ҳам юксак мамлакатга айланади. Чунки маънавийлик ва маърифийлик халқимиз тарихида асосий ўрин эгаллаб келган. Бор нарса вақтинча назардан пинҳон бўлиши, кучсизланиши мумкиндир, лекин батамом йўқолиб кетмайди. Яъни оққан дарё оқаверади.

Хуллас, маънавиятнинг бош манзили инсон қалби, қўнгил кўзгусидир. Вазифаси ушбу кўзгуга сайқал беришда ҳар бир шахсга кўмаклашувидир. Таянчи аждодлар мероси, халқ донишмандлигининг турли суратларда намоён бўлишидир. Бугун юрт мустақиллигини мустаҳкамлаш, ислоҳотларни ҳаётга самарали жорий этиш, буюк келажакни яқинлаштириш йўлида қилаётган меҳнатимиз маънавиятимиз билан чамбарчас боғлиқ.

"Халқ сўзи" мухбири Гулчеҳра ЙЎЛДОШЕВА суҳбатлашди.

ЯНГИ КОЛЛЕЖ ИШ БОШЛАДИ

Сирдарё туманида яна бир замонавий таълим маскани — олти юз ўринли касб-ҳунар коллежи фойдаланишга топширилди.

"Бизнесстрой" хусусий қурилиш корхонаси бунёдкорлари бир миллиард икки юз етмиш миллион сўмлик-дан зиёд ҳажмдаги қуриш, таъмирлаш ва жиҳозлаш ишларини муддатидан илгари якунлади.

Дарс хоналари сўнгги русумдаги ўқув ва лаборатория жиҳозлари билан тўлиқ таъминланди. Маҳаллий бюджет ҳисобидан компьютер ва тўртта лингафон хонаси ҳам ташкил этилди. Шунингдек, бу ерда олти ярим мингдан ортиқ китоб фондига, қирқ ўринли мутолаа хонасига эга кутубхона, ёпиқ спорт зали, волейбол, футбол майдонлари, эллик ўринли шинам ётоқхона ва ошхона ҳам мавжуд.

Дилором ЭСОНОВА, ЎзА мухбири.

Спорт

Вьетнам пойтахти Ханойда футбол бўйича VTV — T&T Cup халқаро турнири давом этмоқда.

Иккинчи рақиб Эрон

Мазкур мусобақада Равшан Ҳайдаров бошчилигидаги Ўзбекистон Олимпия терма жамоаси ҳам қатнашмоқда. Футболчиларимиз биринчи учрашувда майдон эгалари Вьетнам жамоаси билан учрашганди. Унда 2:2 натижаси қайд этилганди. Ҳамюртларимиз кеча Эрон Олимпия терма жамоаси билан учрашди. Эслатиб ўтамиз, эронлик футболчилар ҳам биринчи ўйинда Австралия Олимпия терма жамоаси билан дуранг натижага эришган эди.

Шоҳсупада фақат ўзбекистонликлар

Шоссе велопойгаси бўйича кўп кунлик Ўзбекистон очиқ чемпионати ғолиб ва совриндорлари номи маълум бўлди. Унда мамлакатимиз вакилларидан ташқари, Қозоғистондан келган спортчилар ҳам иштирок этдилар. Сўнгги якунловчи босқичда 105 ва 92 километрга пойга баҳслари бўлиб ўтди. Унда маррага биринчи бўлиб сирдарёлик Алексей Смирнов етиб келди. Чирчиқлик Филипп Яковенко иккинчи ўринни эгаллади.

Барча олти босқич якунига кўра, наманганлик Николай Казакбоев, фарғоналик Юрий Иволжатов ва тошкентлик Вадим Шайхов совриндорлар сафидан жой олишди.

З. ЖОНИБЕКОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Волейболчи қизлар беллашуви



«Спорт — хотин-қизлар ҳаётида соғлом турмуш манбаи» шиори остида ўтаётган республика талаба қизлар спорт ҳафталиги волейбол мусобақаларига Жиззах политехника институти мезбонлик қилди.

Талаба қизларнинг ҳақиқий спорт байрамига айланган беллашувлар турнирга ташриф буюрган барча жамоаларнинг пухта тайёргарлигини намойиш этди.

Учрашувларни ҳамжиҳатлик билан ўтказган Нукус Давлат педагогика институти волейболчи қизлари ғолиблик шоҳсупасига кўтарилишди. Озод Казаков мураббийлик қилган мазкур жамоанинг фаол аъзоси Мақсуда Йўлдошева эса «Энг яхши ўйинчи», деб тан олинди.

Тошкент Давлат педагогика университети талабалари иккинчи, Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети ва Урганч Давлат университети қизлари учинчи ўринга сазовор бўлишди.

Баҳриддин САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Ширкат ва фермер хўжаликлари раҳбарлари, боғ соҳиблари, тадбиркорлар диққатига!

Пуркагичлар керакми? Марҳамат!

«ЎЗҚИШЛОҚМАШХОЛДИНГ» КОМПАНИЯСИ ТАРКИБИДАГИ «AGRIXIM» ЎЗБЕКИСТОН–ИТАЛИЯ ҚЎШМА КОРХОНАСИДА



ишлаб чиқарилаётган олти хил — пахтачилик-боғдорчилик учун «VP-1» русумли пуркагиччангитгич, шунингдек, «Кариола-С-100», «ОРПД-12/М», «Аида», «Леонора», «Асусена» пуркагичларига «Ўзстандарт» агентлигидан сертификатлар берилган. Улардан саккиз йилдан бери муваффақиятли фойдаланилаяпти.

Ғўза, сабзавот майдонлари, боғлар, иссиқхоналар ва ҳовлижойлардаги дарахтлар ҳосилини турли зараркунанда ва ҳашаротлардан ишончли ҳимоя қилмоқчи бўлсангиз, шу қулай, самарали пуркагичлардан фойдаланинг. Чорвачилик фермалари, паррандачилик фабрикаларини дезинфекциялашда, жумладан, парранда гриппига қарши курашишда ҳам пуркагичлар яхши самара беради. Тадбиркорлар бу пуркагичлардан фойдаланиб, фермер ва боғ соҳибларига агрокимё хизмати кўрсатишса, бу катта наф келтиради.

Пуркагичларни маблағ ўтказиб ёки нақд пулга сотиб олиш мумкин. Қўшма корхонада пуркагичларни тузатиб, таъмирлаб бериш имконияти бор.

Манзил: Тошкент ш., С.Машҳадий к., 210-уй.
Мўлжал: Шампан винолари заводи. Автобуслар: 16, 21,30.
Тел.: (998-71) 169-49-33, тел./факс: 169-49-44, 169-35-46.
E-mail: agrihim@mail.st.uz

KAMMAZ ARSENAL

юк машиналари учун ШИНА таклиф этади

Тел.: 152-73-81, 151-20-90, 151-20-33.

Сайт: www.uzkam.com

Товар сертификатланган

Манзил: Тошкент ш., Братислава к., 11 (мўлжал – Бобур боғи)

ШПАТЛЕВКА

OLIY SIFATLI

Юқори навли Қалбакилардан сақланинг

Улгуржи харидорларга ЧЕГИРМАЛАР!

AzKO

(8-371) 367-93-37
(8-371) 367-67-38

Манзил: Тошкент ш., «Чилонзор» к., 1б. Мўлжал «Ўзбекфильм» к.с.

Tsh 64-0515991-01-2002

10

ГАЗ РУСУМЛИ РОССИЯ АВТОМОБИЛЛАРИ

ЎЗБЕКИСТОНДАГИ РАСМИЙ ЭКСКЛЮЗИВ ДИСТРИБЬЮТЕР AVTODOM PLUS

"ВОЛГА", ГАЗ 31105 — ГАЗ-3221, Микроавтобус, 15 ўриндиқли — Газ 32214, "Тез ёрдам" автомобили — ГАЗ 3307-12, "Сут" автоцистернаси

ГАЗ 3307, "Саноат моллари" фургони — ГАЗ 2752, Инкассация автомобили — ГАЗ-33023, юк кўтариши — 1,5 тн., 6 ўриндиқли — ГАЗ-3307, 40 та газ баллонлари ташувчи

ТАШКИЛОТ КЕНГ ТУРДАГИ «ГАЗ» РУСУМЛИ АВТОМОБИЛЛАРНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ
- «Волга» автомобиллари;
- 1,5-4,5 тн. юк кўтарадиган юк машиналари;
- 3-7 ўриндиқли металл билан қопланган (цельнометаллические) фургонлар, юк кўтариши — 0,8 тн.;
- 6-15 ўриндиқли микроавтобуслар.

ШУНИНГДЕК, МАХСУС ТЕХНИКАЛАРНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ УЧУН БУЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ:

ТЕЗ ЁРДАМ МАШИНАЛАРИ: «Волга», «Газель», «Соболь».
ЮК МАШИНАЛАРИ: озиқ-овқат, саноат моллари ва нон ташийдиган, изотермик, вакуумли, автогидрокўтаргичлар, автоустахоналар, бурғулаш (буровые), чиқинди ташийдиган, мобил билбордлар, автоэвакуаторлар, газ баллонлари ташийдиган юк машиналари.
АВТОЦИСТЕРНАЛАР:
- сут ташийдиган;
- ёнилғи ташийдиган;
- самосваллар.

ТЎЛОВ ШАКЛИ — ТУРЛИЧА.

АВТОМОБИЛЛАР — КРЕДИТ ВА ЛИЗИНГГА

700015, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., «Шаҳрисабз» к., 16-«А» уй. Тел./факс: (99871) 132-12-01, 132-10-35, 132-03-62.
Тезкор мулоқот линияси телефонлари: 126-25-42, 126-12-94. E-mail: info@auto.uz web-site: www.auto.uz

DEMIR Тел.: 68-26-59, 184-83-25, 184-83-26.
Тел./факс 68-17-11.
E-mail: siruba@dmrgroup.com.tr mac_erdogan@yahoo.com

ШВЕЙНЫЕ МАШИНЫ ВСЕХ ТИПОВ и др. ТЕКСТИЛЬНОЕ ОБОРУДОВАНИЕ

SiRUBA INDUSTRIAL SEWING MACHINE

ТОВАР СЕРТИФИЦИРОВАН

г. Ташкент, ул. Паркентская, 51.

Ўзбекистон Республикаси Президенти девони жамоаси девоннинг масъул ходими С. Аҳмедовга акаси
Тўлқун Саидганиевич АҲМЕДОВнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

«Ўзбекфильм» киностудияси жамоаси Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ артисти Қуатбой Абдремовга ўғли
ТЕМУРнинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Маннон Уйғур номидаги Тошкент давлат санъат институти жамоаси Драма ва кино актёрлиги санъати кафедраси доценти Жўра Маҳмудовга волидаи муҳтарамаси
МОҲИНА аянинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Ўқитувчи» нашриёт-матбаа ижодий уйи жамоаси нашриётнинг Ижтимоий адабиётлар таҳририяти катта муҳаррири Раҳиммурод Мирҳолиқовга волидаи муҳтарамаси
Пўлатой МИРҲОЛИҚОВанинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Халқ сўзи
Народное слово

Бош муҳаррир ўринбосари Ш. ЖАББОРОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган. Буюртма Г — 657. 28692 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

ТЕЛЕФОНЛАР: Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55; Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Жамшед Тоғаев ҳамда Баҳодир Файзиев томонидан саҳифаланди.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — Б. Эгамқулов.
Навбатчи — А. Самадов.
Мусаҳҳиҳ — М. Сулаймонова.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.00 Топширилди — 21.30 123456